



Uchquduq sh. A.Temur ko'chasi 28

г.Учкудук ул. А.Темур 28

“ 2 ” 12 2019 у (г).

№ 203 -ФК

Учкудук тумани, Чўл гули кўчаси, 5-уй, 14-хонадонда яшовчи фуқаро Р.Қодировани туман ҳокимига ёзган аризасига асосан, туман ҳокимлиги ахборот хизмат раҳбари-матбуот котиби лавозимига қабул қилиш мақсадида:

1. Қодирова Райхон Уразовна 2019 йил 2 декабрдан туман ҳокимлиги ахборот хизмат раҳбари-матбуот котиби лавозимига ишга қабул қилинсин ҳамда ҳар ойда кўшимча равишда лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида устама ҳақ тўлансин.

2. Туман ҳокимлиги ахборот хизмат раҳбари-матбуот котиби бир вақтнинг ўзида мақоми бўйича туман ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисоблансин ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра туман ҳокимининг ўринбосарига тенглаштирилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ш.Алдабергенов)га белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Л.Гадоев зиммасига юклатилсин.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сонли ҳамда туман ҳокимнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 578-Қ-сонли қарорлари ҳамда Р.Қодированинг туман ҳокими номига ёзган аризаси.

Туман ҳокими

С.Хамроев

“Танишдим”

Р.Қодирова

“ ” 2019 й